

Қуш тезаги



17:00 / 12.05.2022 4481

Савол: Ассалому алайкум! Қуш тезаги бирор катта ёки кичик сув идишга тушса у сувни ҳукми қандай?

Жавоб:

– Ва алайкум ассалом! «Кифоя» китобида қуйидагича келади: Гўшти ейиладиган ва ҳавода туриб тезак ташлайдиган кабутар, чумчуқ каби қушларнинг тезаги покдир. Қадимдан Масжидул Ҳаром ва бошқа масжидларда кабутарлар боқиб келинган. Ибн Умар розияллоҳу анҳунинг устиларига кабутар тезак ташлаганда, артиб ташлаб, намоз ўқиганлари маълум. Худди шундай ҳолат Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг устиларига чумчуқ тезак ташлаганда ҳам бўлган. Шунингдек, имом Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфнинг надида гўшти ейилмайдиган ва ҳаводан тезак ташлайдиган лочин, қирғий ва қарға каби қушларнинг тезаги ҳам пок.

وَسَجَّ نِيَّ الْاُمْلَا: مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلَا لَصَدَّ لَلْا لُوسَرَ لَاق: لَاقِدْعَسَنْ بَدِشَارَنْ ع
يَواحَّطَلْا هَاوَرَه حِرْوَ وَهُمَّ عَطَوْ وَهُنَّوَلَّ لَعَبَلَعَامُ الْاِئْيَش

Рошид ибн Саъддан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сувни ҳеч нарса нажас қилмайди. Илло, унинг рангига, таъмига ва ҳидига ёлиб келган нарсагина қилади», дедилар». Тоҳавий ривоят қилган. Лекин ундай (оқар сув ёки ўнга ўн бўлиб ҳовучлаб сув олинганда

ери очилиб қолмайдиган) бўлмаса, нажас тушган сув ҳам нажасга айланади. Демак, мазкур ҳажмдан кичик бўлган ҳовузга нажас тушса, ундаги сув ҳам нажасга айланади.

Валлоҳу аълам!

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати